*27 ОКТЯБРЬ—НАВБАТДАГИ ЯГОНА СИЁСИЙ КУН*

# ЎЗБЕКИСТОН—СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚАРДОШ ОИЛАСИДА

**Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллиги олдидан**

*СИЁСИЙ ДОКЛАДЧИЛАРГА ЁРДАМ*

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон Коммунистик партияси шу кунларда бошқа Ўрта Осиё республикалари қатори шонли 60 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Бу юбилей фақат ўзбек халқининггина эмас, бутун Советлар мамлакати кўп миллатли халқининг байрами, марксизм-ленинизм ҳаётбахш ғоялари тантанасининг байрамидир.

Ривожланган социалистик жамиятнинг қурилиши партия раҳбарлиги остида ССР Иттифоқига жипслашган халқлар революцион-ўзгартувчилик фаолиятининг натижаси бўлди. Янги дунё учун биргаликдаги курашда меҳнат кишиларининг буюк ҳамдўстлиги вужудга келди, янги тарихий бирлик — совет халқи шаклланди, «миллий ўлка» деган тушунчалар йўқолди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари асрий қолоқлик, жаҳолат ва зулматдан социал тараққиёт чўққилари сари босиб ўтилган йўлга фахр билан назар ташлайдилар. Улар Октябрнинг ғолибона революцияси туфайли, бошқа халқлар ва энг аввало рус халқининг қардошларча ёрдами туфайли тарихан қисқа вақт ичида том маънода асрларга тенг йўлни босиб ўтдилар.

Миллий масалани социалистик ҳал қилишда Коммунистик партия, унинг мустаҳкам ленинча принципларга таянган, илмий асосланган доно сиёсати раҳнамо, йўналтирувчи куч бўлди.

Партия Совет Шарқидаги ўз фаолиятида В. И. Лениннинг аввал жабр-зулм остида бўлган халқлар тарихи, миллий турмуш тарзларини, уларнинг иқтисодий ва маданий ривожланиш даражасини қатъиян ҳисобга олиш тўғрисидаги кўрсатмаларига изчил амал қилиб келди. В. И. Ленин марксизм-асосчиларининг таълимотига таянган ҳолда қолоқ мамлакатлар илғор мамлакатларнинг пролетариати ёрдамида ривожланишнинг капиталистик босқичини четлаб ўтиб, совет тузумига ва ривожланишнинг маълум босқичлари орқали коммунизмга ўтиши мумкинлиги тўғрисидаги муҳим ғояни олға сурди ва асослаб берди. Бу ғоя амалда ажойиб равишда тасдиқланди.

Тарих жуда қисқа вақт мобайнида миллатлар ва элатларни ҳар тарафлама ривожлантириш учун СССРдек кўп иш қилган бирорта бошқа давлат бўлганлигини билмайди. Ҳолбуки, Совет Шарқида ўтмишнинг оғир мероси, феодал-бой муносабатларига барҳам бериш, халқни онгли революцион ижодга жалб этиш талаб қилинарди. Интервентлар, оқ гвардиячилар ва босмачилар устидан тўла ғалаба қозонилганлиги, халқ хўжалиги мустаҳкамланганлиги, миллий кадрлар кўпайганлиги Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишини ўтказиш имконини берди. Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитетининг сессияси 1924 йил 27 октябрида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини ташкил этиш тўғрисидаги қарорни тасдиқлади.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг ташкил этилиши ўзбек халқи тарихида буюк воқеа. Коммунистик партия ленинча доно миллий сиёсати тантанасининг ёрқин намойиши бўлди. Бу ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришни жадаллаштирди, меҳнаткашларни давлатни бошқаришга жалб этиш имконини берди, халқлар дўстлигини мустаҳкамлади. Халқлар дўстлиги ер-сув ислоҳоти, индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва маданий революция давомида, социализм учун кураш жараёнида тобланди ва мустаҳкамланди. Дўстликнинг қудратли кучи Улуғ Ватан урушининг суронли йилларида, айниқса, ёрқин намоён бўлди. Ўша даврда қардош халқлар елкама-елка туриб Ватанни ҳимоя қилдилар, душманни тор-мор қилиб жаҳонни фашизм қуллигидан ҳалос этдилар.

Ўзбекистон—СССР халқларининг қардош оиласида улкан социал-иқтисодий ўзгартишлар натижасида юксак ривожланган индустриал-аграр республикага айланди. СССР ягона халқ хўжалик комплексининг таркибий қисми бўлиб қолди.

Республика саноатининг умуман мамлакатдагига қараганда юқорироқ суръатларда ўсганлиги унинг ўзига хос муҳим хусусияти бўлди. Миллий чекка ўлкалар ривожланиши даражасидаги амалдаги тенгсизликни бартараф этиш мақсадида шундай қилинди.

Ҳозирги пайтда республикамизда саноатнинг юздан ортиқ тармоғига қарашли 1700 тадан кўпроқ корхона бор. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1924 йилга нисбатан 234 мартага ортди. Бу йил республика саноати 20 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариши керак.

Ҳозирги пайтда саноат корхоналари икки кундан ҳам камроқ вақт ичида бутун 1924 йилда ишлаб чиқарилганидан кўпроқ маҳсулот тайёрлайди. Республикада турли-туман маҳсулотлар — газмоллар ва минерал ўғитлар, самолёт ва тракторлар, қудратли пахта териш техникаси ва темир-бетон буюмлари, экскаваторлар ва мураккаб радио-электрон аппаратлари ишлаб чиқарилади.

Агросаноат комплекси ва энг аввало пахтачиликка хизмат кўрсатадиган тармоқларни ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Иттифоқимизда ишлаб чиқарилаётган пахта териш машиналари, чигит экиш сеялкалари, пахта тозалаш машина-ускуналарининг ҳаммаси Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади.

Электрон, электр-техника тармоқлари, приборсозлик жадал ривожланмоқда. Химия саноати республика индустриясининг энг йирик тармоқларидан бирига айланди. Ўзбекистоннинг саноат соҳасидаги ихтисослашиши қора ва рангли металлургиянинг жадал ривожланиши билан ҳам белгиланади. Маҳаллий ресурслар базасида умумиттифоқ аҳамиятига молик рангли металлургия комплекси шаклланди. Ўзбекистон ССР Урал ва мамлакат Европа қисмига газ етказиб бераётган йирик таъминотчига айланди.

Халқ учун моллар ишлаб чиқаришда жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. 1983 йилда бундай моллар ишлаб чиқариш ҳажми чакана нархларда 9 миллиард сўмликдан ортиб кетди. Қисқа вақт ичида саноат асосида гилам тўқиш, замонавий мебеллар, мураккаб маиший техника, чинни-сопол ва эмалли идиш-товоқлар, маиший химия буюмлари ишлаб чиқарувчи янги тармоқлар вужудга келтирилди. 1983 йилда енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1970 йилга нисбатан 1,8 бараварга, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса 2,3 мартага кўпайди.

Ўзбекистонда қурилишнинг қудратли моддий базаси яратилган. Капитал маблағлар ҳажми ва улар суръатларининг ўсиши бўйича республика мамлакатда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Фақат индустрия гигантларигина эмас, шунингдек, йирик саноат ва маданият марказларига айланган шаҳарлар бунёд этилди. Бу Чирчиқ ва Бекобод, Ангрен ва Олмалиқ, Тахиатош ва Қувасой, Навоий ва Зарафшон, бошқа шаҳарлардир.

Бугунги кунда Совет Ўзбекистони қишлоқ хўжалиги юксак тараққий этган, кўп тармоқли, юқори механизациялашган республикадир. КПСС аграр сиёсатини амалга ошириш қишлоқ хўжалигини янада юқори босқичга кўтариш, уни экономиканинг самарали секторига айлантириш, республикани Озиқ-овқат программасини бажаришга қўшаётган ҳиссасини кўпайтириш имконини берди.

Халқнинг қаҳрамонона меҳнати билан улкан сув омборлари, каналлар, коллекторлар, гидроузеллар барпо этилди. Республикада 3,5 миллион гектардан кўпроқ ер суғорилади. Мирзачўл, Жиззах ва Қарши чўлларини комплекс ўзлаштириш кенг кўламда олиб борилмоқда.

Ўзбекистон мамлакатимизнинг асосий пахта базасидир. Революцияга қадар бу тармоқ ибтидоий иш қуролларига асосланган ва кам самарали эди. 1913 йилда Ўзбекистоннинг ҳозирги территориясида ҳаммаси бўлиб 517 минг тонна пахта йиғиштириб олинган. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 12 центнерни ташкил этган.

Совет даврида колхоз тузумининг ғалабаси билан пахтачиликни жадал ривожлантириш учун катта имкониятлар пайдо бўлди. Партия ва совет ҳукумати бу тармоққа жуда катта эътибор бериб келдилар ва бермоқдалар. Бу қонунийдир. Халқ пахтани бежиз «оқ олтин», деб атамайди. Пахта — кийим-кечак ва пойабзал, ёғ-мой, целлюлоза, сунъий ипак, қоғоз, моллар учун озуқа демакдир. Ҳозирги фан-техника революцияси асрида пахтачиликсиз фақат енгил ва озиқ-овқат саноатигина эмас, шунингдек, оғир саноатнинг баъзи тармоқлари — автомобилсозлик, авиасозлик, электротехника ва химия саноати ҳам ривожлана олмайди. Ўз аҳамиятига кўра пахта мамлакат экономикасида металл ва нефть билан бир қаторда туради.

Пахтачилик Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигининггина эмас, шунингдек, бутун халқ хўжалигининг ҳам етакчи тармоғига айланди. Пахта етиштиришни кўпайтириш, мамлакатни бу қимматли хомашё билан тобора кўпроқ миқдорда таъминлаш республика деҳқонлари ва барча меҳнаткашларининг биринчи галдаги ватанпарварлик ва интернационал бурчларидир.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон мамлакатимизда етиштирилаётган пахтанинг учдан икки қисмидан кўпроғини бермоқда. Ҳар бир беш йиллик пахтачиликни янада юксалтиришда янги-янги муваффақиятлар келтирмоқда. Айниқса, қимматбаҳо ингичка толали «оқ олтин» етиштириш жадал кўпайиб боряпти.

Ўзбек диёри фақат пахтаси билангина машҳур эмас. Мамлакатда етиштирилаётган пилланинг 62 проценти, каноппнинг ҳаммаси, қоракўлнинг 35 проценти, шолининг 21 проценти республика ҳиссасига тўғри келади. Дончилик ҳам юксак суръатларда ривожланяпти. Сабзавот ва мева, гўшт ва сут етиштириш кўпайиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалигида техника тараққиёти жадаллаштирилиши билан бир қаторда қишлоқларда муҳим социал ўзгартишлар ҳам юз берди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тобора индустриал характерга эга бўлиб боряпти. Деҳқон меҳнати эса ишчи меҳнати билан тенглашиб қолди.

Халқлар ўртасида дўстлик, ўзаро ишонч ва ёрдам муносабатларининг ўрнатилиши Улуғ октябрь туфайли вужудга келган жамиятнинг маънавий ўсишини кучайтириб юборди. Социализм ҳақиқатан ҳам тарихий аҳамиятга молик вазифани: меҳнат кишиларининг кўп миллионли оммасини маданият ютуқларидан баҳраманд этиш, ҳар бир кишига унинг социал келиб чиқиши ва миллатидан қатъий назар билимнинг барча манбаларидан фойдаланиш вазифасини ҳал қила олди.

Бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам янги, билимдон ва маданиятли авлод вояга етди. Ишчилар синфи сони ортди. Қишлоқ меҳнаткашининг турмуш тарзи ҳамда билим савияси шаҳарликларнинг турмуш тарзи ва билим савиясидан кам фарқ қилади. Республика халқ хўжалигида машғул бўлган олий ва ўрта-махсус маълумотли мутахассислар сони 1965 йилдаги 358 мингтадан 1983 йилда 1 миллион 238 минг кишига етди.

Ўзбекистонда тарихий аҳамиятга эга бўлган социал вазифа — хотин-қизларнинг чинакам тенг ҳуқуқлилигини амалда таъминлаш вазифаси муваффақиятли ҳал этилди. Ҳозирги пайтда республикадаги инженерларнинг 30 процентдан кўпроғини, врачларнинг 57 проценти ва ўқитувчиларнинг 48 процентдан кўпроғи хотин-қизлардир. Кўпгина хотин-қизлар раҳбар лавозимларда ишламоқдалар.

Бошқа республикаларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам халқ маорифи жадал суръатларда ривожланмоқда. Умумтаълим мактабини ислоҳ қилиш давом этмоқда. Ҳунар-техника таълими тобора ривожланиб боряпти.

1920 йил сентябрида Тошкентда В. И. Ленин томонидан имзоланган Декретга мувофиқ Давлат университети очилди. У Ўрта Осиё олий ўқув юртларининг тўнғичи бўлди. Ҳозирги пайтда эса Ўзбекистонда 43 та олий ўқув юрти, шу жумладан 3 та университет бор. Яқин ўтмишда бирорта олий ўқув юрти бўлмаган республикамиз ҳар 10 минг аҳоли ҳисобига тўғри келадиган студентлар сони бўйича Англия, Франция, ГФР, Япония, Италия каби ривожланган капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетди. Фақат ўнинчи беш йиллик давомида халқ хўжалиги учун салкам ярим миллион мутахассис тайёрланди.

37 мингга яқин илмий ходим фаннинг турли соҳалари бўйича тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Ўзбекистон олимларининг математик статистика, элекроника, биорганик химия, алкалоидлар химияси, генетика ва селекция, ядро физикаси, механика, сейсмология, автомат бошқариш системаларини яратиш соҳасидаги ишлари мамлакатимизда ва чет элларда кенг эътироф этилмоқда.

Матбуот, радио, телевидение жадал ривожланяпти. Маданият муассасалари шаҳобчалари таркиб топган. Соғлиқни сақлаш соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Буларнинг ҳаммаси моддий фаровонлик савиясида улкан ўзгаришларга, кишилар турмуш тарзининг ўзгаришига олиб келди.

Бу даврда Совет Ўзбекистонининг энг муҳим иқтисодий райони — Тошкент области ҳам катта ютуқларга эришди.

Революцияга қадар ҳатто михни ҳам бошқа ёқлардан олиб келган область ҳозирги пайтда ўз маҳсулотларини бепоён Ватанимизнинг ҳамма бурчакларига, шунингдек, жаҳоннинг 80 мамлакатига жўнатади. Область индустрияси 400 га яқин йирик саноат корхонаси демакдир. Уларда республикада ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари умумий ҳажмининг 42 проценти тайёрланади. Область электр энергияси ҳосил қилиш, кўмир қазиб чиқариш, минерал ўғитлар, цемент, йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари, ғишт, пахтачилик учун қишлоқ хўжалик машиналари, газлама, чарм пойабзал, каноп толаси ишлаб чиқариш бўйича республикада биринчи ўринни эгаллайди.

Областда машинасозлик ва металлга ишлов бериш, электротехника, химия ва бошқа саноат тармоқлари жадал ривожланяпти. Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш базаларини кенгайтириш ва янгилаш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Бугунги Тошкент области улкан қурилиш майдончасидир. Йилдан-йилга саноат, гидротехника, йўл, турар жой ва маданий-маиший қурилиш ҳажмлари ортиб бормоқда.

Область қишлоқ хўжалигида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Юзлаб минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди. Авваллари ботқоқликлар ва тўқайзорлар бўлган жойларда пахтазорлар, шолипоялар, боғ-роғлар пайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси илғор агротехника услубларидан фойдаланиш, деҳқончилик маданиятини ошириш, техникадан кенг қўлланиш билан қўшилган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни йилдан-йилга кўпайтириб бориш имконини бермоқда.

Область маданий ҳаётида ҳам чинакамига революцион ўзгартишлар содир бўлди. 1917 йилгача аҳолисининг атиги 2 проценти саводли, 58 та умумтаълим мактаби, 1 та ўрта-махсус ўқув юрти бўлган областда ҳозирги кунда 1240 та мактаб бўлиб, уларда 750 минг ўқувчи таълим олмоқда. 117 та ҳунар-техника билим юртида 45 мингга яқин турли касб ишчилари тайёрланяпти. 22 та олий ўқув юрти ва 59 та техникумда 250 мингдан кўпроқ студент таълим олмоқда.

Ўтган йиллар давомида областда илмий муассасаларнинг кенг тармоғи вужудга келди. Бу ерда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими жойлашган. Республика пойтахти ва Тошкент областида 113 та илмий-тадқиқот институти ва лойиҳа-конструкторлик ташкилоти ишлаб турибди. Областнинг ўқув юртлари ва илмий муассасаларида 1000 нафардан кўпроқ фан доктори ва 10 минг нафардан ортиқ фан кандидати ишлаяпти.

Юзлаб маданият саройлари ва уйлари, клублар, кинотеатрлар, оммавий кутубхоналар область меҳнаткашлари ва аҳолисининг маданий эҳтиёжларини қондирмоқда. Медицина хизмати кўрсатиш муттасил яхшиланиб бормоқда. Жисмоний тарбия, спорт ва туризм ривожланяпти.

Бу йиллар давомида республика пойтахти — Тошкент шаҳри ҳам таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди. Ўтган йили ўзининг 2 минг йиллигини нишонлаган Тошкент ҳақли равишда Совет Шарқининг саноат, маданият, илмий маркази, мамлакатнинг энг гўзал шаҳарларидан бири, деб ҳисобланади.

Республикамиз меҳнаткашлари саноат, қишлоқ хўжалиги, маданиятни ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятларининг ҳаммаси партия ленинча интернационал сиёсатининг самарасидир. Пролетар интернационализмига чексиз садоқат ленинча байроғи остида туғилган партиямиз бугунги кунда ҳам бу байроқни баланд кўтариб бормоқда.

Ўзбекистон Коммунистик партияси КПССнинг жанговар отрядларидан биридир. У ўзининг бутун тарихи давомида Ленин партиясининг ишончли отряди ролини шараф билан бажариб келди, марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принципларига садоқатини муқаддас сақлаяпти.

Ўзбекистон Коммунистик партияси сафларида салкам 650 минг нафар коммунист бор. Уларнинг қарийб ярмини ишчилар ва колхозчилар ташкил этади. 84 миллат ва элат вакиллари республиканинг ягона партиявий оиласини ташкил этади. Улар меҳнат ва кураш бўйича маслакдош, ўртоқ, сафдошлардир.

Республика партия ташкилоти Ўзбекистоннинг мамлакат бутун халқ хўжалик комплекси учун аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ҳал этишда, йирик қурилишлар, табиий бойликларни ўзлаштиришда иштирок этишига алоҳида аҳамият беради. Республиканинг юзлаб мутахассислари БАМ қурилишларида, Тюменда меҳнат қиляптилар. Ўзбекистон Ноқоратупроқ зона қишлоқ хўжалигини юксалтириш умумхалқ программасини бажаришда фаол иштирок этяпти.

Бу умумхалқ қурилишларидаги ҳамдўстлик тўғрисида гап кетар экан, Тошкентда 1966 йилда бўлиб ўтган табиий офатни эсламай бўлмайди. Ўшанда бизга бутун Советлар Ватани ёрдамга келган эди. Шу йил мартида Газли шаҳри бошига ҳам шундай кулфат тушди. Бунда ҳам мамлакатимизнинг барча халқлари Газлига ёрдам кўрсатишни ўз бурчлари, деб билдилар.

Республика меҳнаткашлари Ўзбекистон Коммунистик партияси раҳбарлиги остида экономика ва маданиятни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришдилар. Бошқа қардош республикалар қатори Ўзбекистон муваффақиятлари ҳам юқори баҳоланмоқда. Биз Ўзбекистон ССР байроғида 3 та Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени ва Халқлар дўстлиги ордени порлаб турганлигидан ҳақли равишда фахрланамиз. Республика Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида кўп марта ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан тақдирланган.

Республикамиз меҳнаткашлари олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Бутун партиямиз каби Ўзбекистон Компартияси ҳам бутун ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий ишларини коммунистик қурилиш вазифаларини, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини муваффақиятли бажаришга йўналтирмоқда.

Ўзбекистон партия ташкилотининг партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорларини амалга ошириш бўйича фаолиятида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми муҳим воқеа бўлди. Жонли, принципиал партиявий танқид ва ўз-ўзини танқид коммунистлар куч-ғайратини янада кучайтирди, партия ташкилотлари жанговарлигини ва меҳнаткашлар оммасининг активлигини оширди.

Тўғри, ленинчасига, большевикчасига тушуниладиган танқид ишлар реал аҳволининг объектив анализига таянади ва кўрилаётган масалага амалий, конструктив ёндошишни, резервларни, ишни яхшилаш йўлларини излашга ижодий ёндошишни англатади, деб уқтиради КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненко. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми ҳужжатларида худди ана шундай ёндошувни кўриш мумкин.

Пленумда республика экономикасида, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда, партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашда мавжуд бўлган жиддий камчиликлар очиб ташланди.

Пленум томонидан белгиланган тадбирлар бу камчиликларни қатъият билан йўқотишга, экономикани интенсив ривожлантириш йўлига ўтказишга, план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришга қаратилгандир.

Партия комитетлари кадрларга талабчанликни оширдилар, салбий воқеаларга қарши қатъият билан курашмоқдалар. Ўзларига номуносиб ҳатти-ҳаракатлар қилган раҳбарлар ишдан бўшатилди. Бу чоралар муҳитни соғломлантиришга кўмаклашди, меҳнат кишилари активлигини оширди.

Пленум қарорлари бутун республикада бўлгани каби Тошкент областида ҳам меҳнаткашлар томонидан қизғин маъқулланди. Ҳамма жойда бу қарорларни амалга ошириш учун қизғин иш олиб бориляпти. Йилни ва умуман беш йилликни муваффақиятли якунлашга мустаҳкам асос яратилмоқда. Камчиликларни бартараф этишда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар бугунги кунда ҳар бир кишидан ҳар бир иш участкасида, ҳар бир коллективда юксак принципиаллик, граждонлик ва талабчанлик муҳитини қарор топтириш учун сабот билан доимий, кундалик иш олиб боришни талаб этади.

Кун сайин беш йиллик топшириқларини бажариш учун социалистик мусобақа авж олмоқда. Бу область меҳнаткашлари томонидан беш йиллик тўртинчи йили учун қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган. 1984 йилда саноат ишлаб чиқариши ҳажмини 4,5 процентга кўпайтириш, планга қўшимча равишда 70 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш кўзда тутилган.

1984 йилнинг 9 ойлик якунлари область меҳнат коллективлари ваъдаларига яраша меҳнат қилаётганликларини кўрсатмоқда. Саноат корхоналари бу даврда планга қўшимча равишда салкам 49 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Меҳнат унумдорлиги планда белгиланганидан 1,2 процент ортиққа ўстирилди.

Капитал қурилишдаги аҳвол ҳам яхшиланиб бормоқда. Қурилиш-монтаж ишлари таннархи камайди. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Пахтадан тола чиқиш яхшиланяпти. Умумиттифоқ фондига сабзавот етказиб бериш плани ошириб бажарилди.

Давлатга гўшт топшириш бўйича тўққиз ойлик план 102 процент, тухум топшириш — 102,8 процент қилиб бажарилди.

Транспорт ташкилотлари томонидан пассажирлар ва халқ хўжалик юкларини ташиш бўйича планлар ошириб бажарилди.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумида очиб ташланган камчиликларни бартараф этиш учун ҳали ҳамма нарса қилингани йўқ. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва таннархни арзонлаштириш бўйича мажбуриятларини бажара олмаётган корхоналар сони анчадир. Чала қолган қурилиш ҳажми секинлик билан камаяпти. Ҳамма жойда ҳам иш вақти йўқотилишига қарши зарур даражада кураш олиб борилмаяпти.

Қатор участкаларда йўл қўйилган қолоқликларга барҳам бериш, ютуқларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун ишлаб чиқариш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, экономикани интенсив ривожлантириш зарурдир. Бугунги кунда янада зўр ғайрат билан меҳнат қилиш, планлар ва Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси 60 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш учун барча чораларни кўриш лозим.

Асосий эътибор муқобил планлар ҳамда меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш ҳамда таннархни қўшимча 0,5 процентга арзонлаштириш бўйича олинган мажбуриятларни бажаришга қаратилиши керак. Область илғор коллективларининг иш тажрибаси бу реал вазифа эканлигини кўрсатяпти. Энг муҳими резервларни қидириб топиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, хўжалик юритиш даражасини ошириш, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш, ҳар бир ходимнинг пировард натижа учун шахсий мажбуриятини кучайтиришдир.

Агросаноат комплекси ходимлари олдида ҳам катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Улар СССР Озиқ-овқат программасини бажаришга қўшаётган ҳиссаларини оширишлари, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришлари, индустриал технологияни кенг қўлланишлари, ерлардан фойдаланиш самарадорлигини кескин оширишлари керак. Ҳар бир колхоз ва совхозда, қишлоққа хизмат кўрсатадиган ҳар бир ташкилотда юксак пировард натижаларга эришиш учун умумий манфаатдорликни ошириш лозим.

Пахта етиштиришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, тола чиқишини ошириш бизнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчимиз бўлиб келган ва бўлиб қолади. Бутун етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш ва авайлаб сақлаш учун ҳамма чорани кўриш керак.

Маълумки, яқинда КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси мажлисида пахта етиштиришни кўпайтириш, нобудгарчиликларни камайтириш ва пахта ҳамда пахта маҳсулотлари сифатини яхшилаш бўйича тадбирлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг ушбу масала юзасидан қабул қилган қарорларида пахта етиштиришни янада кўпайтиришга қаратилган ташкилий, агротехник ва иқтисодий тадбирлар комплекси белгиланди. Ўзбекистон ССРда пахта етиштириш ва қайта ишлаш бўйича агросаноат бирлашмалари ташкил этиш, шунингдек, пахтани сифати ва тола миқдорига қараб қабул қилишга ўтиш тўғрисидаги таклифлар маъқулланди.

Бугунги кунда бутун эътибор пахта териш кампаниясини муваффақиятли якунлашга қаратилиши керак. Кўпгина хўжаликларда мўл ҳосил етиштирилган. Уни қисқа муддатда, ёғинсочинларга қолдирмай йиғиштириб олиш, нобудгарчиликларга йўл қўймаслик, пахтадан кўп миқдорда тола олинишига эришиш энг муҳим вазифадир. Бунинг учун пахта териш машиналарига кенг иш фронти очиб бериш лозим. Айни пайтда техникадан фойдаланиш имконияти бўлмаган жойларда қўл теримини кучайтириб юбориш даркор.

Ҳозир ҳар бир кунгина эмас, ҳар бир соат ҳам ғаниматдир. Шунинг учун ҳам бирон-бир уюшқоқсизлик, хотиржамлик ҳолларига қатъий кураш олиб бориш зарур. Дала — тайёрлов пункти конвейери узлуксиз ишлаб туриши лозим.

Коммунист ва комсомолларнинг меҳнатда шахсий намуна кўрсатишлари жуда муҳимдир. Улар ҳосил тақдири учун масъулиятларини чуқур ҳис этишлари, социалистик мусобақа ташкилотчилари бўлишлари керак. Ҳар бир меҳнат коллективида план ва мажбуриятларни бажаришга қаратилган оммавий-сиёсий ишлар кучайтириб юборилиши керак.

Илғор районлар тажрибаси асосида механизаторлар отрядларида ташкил этилган муваққат партия, касаба союз ва комсомол группалари фаолиятини янада кучайтириш, депутат постлари, халқ контроли группалари ва «Комсомол прожектори» иш самарадорлигини ошириш лозим. Моддий ва маънавий рағбатлантириш омилларидан, коллектив пудрат афзалликларидан тўла-тўкис фойдаланиш, теримда иштирок этаётган ҳар бир киши тўғрисида ғамхўрлик қилиш зарур. Республика юбилейи байрам қилинадиган кунларда Ватанга: «6 миллион тонна Ўзбекистон пахтаси тайёр!», деб рапорт бериш учун ҳамма ишни қилайлик.

Область меҳнаткашлари ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида бутун техника-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича план топшириқлари ва юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришлари ва ошириб бажаришлари учун ҳамма имкониятга эгадирлар. Улар партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари талабларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненко кўрсатмаларига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларига амал қилган ҳолда ишда юксак уюшқоқлик намуналарини кўрсатишлари зарур. Биз барча резервларни ишга солган тақдиримиздагина Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги, Совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 40 йиллигини, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб оламиз.

---

**21-ОКТЯБРЬ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ**

# ҚЎШИМЧАСИ 20 МИЛЛИОН

**ЭРТАГА бепоён мамлакатимизда яна бир касб байрами ўтади. Совет халқи озиқ-овқат саноати ходимлари шаънига таъсис этилган кунни байрам сифатида нишонлайдилар. Байрам арафасида муҳбиримиз М. Мирҳамидов шу тармоқ ходимлари касаба союзи Тошкент область комитети раиси М. АҲМАДЖОНОВга мурожаат қилиб, соҳа ишчилари бу кунни қандай кутиб олаётганликлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.**

— Озиқ-овқат саноати ходимлари шаънига таъсис этилган бу кун бир неча йилдан бери октябрь ойининг учинчи якшанбасида нишонланмоқда. Бу байрам дастурхонимизни безатаётган, фаровонлигимизни ошираётган, туну-кун халқ хизматида бўлаётган шу тармоқ саноати ходимларининг меҳнати бизда жуда қадрланаётганлигининг ёрқин далилидир.

КПССнинг XXVI съезди тарихий қарорларида, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн биринчи беш йиллик планларида совет кишиларининг моддий ва маданий турмуш даражасини оширишга қаратилган катта тадбирлар программаси белгиланди. Бунда экономиканинг бошқа тармоқлари қатори озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш, халқимиз эҳтиёжлари учун кундалик истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳар томонлама кўпайтириш, уларнинг сифатини оширишга алоҳида эътибор берилди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати озиқ-овқат саноати ходимларининг турмуш шароитларини яхшилаш, дам олишини ташкил этиш, бўш вақтлари самарали ўтишини таъминлаш юзасидан кўпгина тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Озиқ-овқат саноати ходимлари бундай ғамхўрликка жавобан фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Айниқса, улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллиги нишонланадиган ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳар қачонгидан ҳам зўр ғайрат-шижоат намуналарини кўрсатишяпти.

Ишчи-хизматчиларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ҳажми янада кўпайди, ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ортди. Маҳсулот сифатини бошқариш системасини яратиш бўйича олиб борилган ишлар яхши самара бермоқда.

Саноатимиз бу тармоғининг меҳнат коллективлари ўзларининг касб байрамларини ҳам муносиб кутиб олмоқдалар. Деярли барча корхоналар ва ташкилотларда давлат планлари муваффақиятли бажарилмоқда. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи анча яхши якунланди. Тармоқ ишчи-хизматчилари пландагидан ташқари ишлаб чиқарган озиқ-овқат саноати маҳсулоти 20 миллион сўмликдан ҳам ошиқроқни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши ҳажмининг бутун ортишига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди.

Ўттиз тўрт корхона коллективи меҳнат унумдорлигини, пландагидан ташқари бир процент ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент камайтириш юзасидан партия даъватига амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Уларнинг кўпчилиги шу муҳим кўрсаткичлар бўйича берган ваъдаларининг устидан чиқмоқдалар. «Ўртоқ» кондитер фабрикаси ва «Балиқчи» ишлаб чиқариш бирлашмаси социалистик мажбуриятларнинг фақат меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бажарилишини таъминламоқдалар.

Тармоғимиз меҳнат коллективлари эришаётган ютуқларнинг яна бир муҳим омили бор. У ҳам бўлса ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг янги усулларини жорий қилишдир. Сўнгги йилларда бригада формаси кенг қулоч ёйди. Бунда корхоналар ўртасида меҳнатни ташкил этишнинг бу усулини оммавий жорий қилиш бўйича социалистик мусобақанинг ташкил этилиши ҳам ижобий роль ўйнади. Натижада бригада формаси асосида ишлаётган ишчи-хизматчилар сафи муттасил кенгайиб бормоқда.

Корхоналар маъмуриятлари, партия ва касаба союз ташкилотларининг биргаликда амалга оширган тадбирлари туфайли саноатда бригадалар сони кейинги уч ярим йил ичида уч баравардан зиёд кўпайди. Ҳозирги вақтда барча ишчи-хизматчиларнинг 76 проценти шундай коллективларга бирлашган.

Биз байрамимиз арафасида ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан саноатимизни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган, тажрибаларини ёшларга қунт билан ўргатиб, уларда танланган касбга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотаётган ажойиб ишчиларимиз номини зўр ҳурмат билан тилга оламиз. Ишлаб чиқариш коллективларининг ҳақиқий байроқдорлари бўлиб қолган бундай кишилар ҳар бир корхонада кўплаб топилади. Тошкент ёғ-мой комбинатининг прессловчиси Абдуқаҳҳор Абдукаримов, «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси оби нон цехи бригадири Абдулҳақ Абдураҳмонов, «Балиқчи» бирлашмаси ишчиси Ниғматулла Абдулин, Тошкент булка-кондитер комбинати бригадири Дилором Зияева, «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Надежда Иванова ва бошқа ўнлаб, юзлаб ходимларимиз ҳақида фақат илиқ сўзлар айтиш мумкин.

Тармоқ ходимлари эртага ўз байрамларини шоду-ҳуррамлик билан нишонлайдилар, лекин олдиларида ҳали катта вазифалар турганлигини, ишларида ютуқлар қатори камчиликлар борлигини ҳам бир зум ёддан чиқармайдилар.

